

КАТЪЙ НОРОЗИЛИК

ХАНОЙ, 24 июнь. (ТАСС). Америка ва Жанубий Вьетнам самолётлари 1965 йил 22 июнда, деб хабар беради Вьетнам информатсия агентлиги, Нинь-Бинь, Тхань-Хоа, Нге-Ан, Куанг-Бинь вилоятларидаги аҳоли яшайдиган кўп пунктларни ва Шон-ла шаҳрини бомбардировка қилдилар. Шу муносабат билан Вьетнам Халқ армияси олий қўмондонлигининг алоқа миссияси Вьетнамдаги контрол қилиш ва кузатиш халқаро комиссиясига норозилик мактуби юборди. Олий қўмондонлигининг алоқа миссияси, дейлади мактубда, АҚШ ва Сайгон маъмурулари Вьетнам Демократик Республикасига қарши ҳар қандай уруш ва агрессияни дарҳол тўхтатишлар ҳамда Вьетнам масаласи юзасидан 1954 йилда Женевада тузилган битимларга қатъий риоя қилишлар, деб қатъий талаб этади.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДА НАМОЙИШЛАР

ХАНОЙ, 24 июнь. (ТАСС). Жанубий Вьетнамнинг Бен-Че вилоятида 13 ва 14 июнда уч мингдан ортиқ киши намоиш ўтказиб, Сайгон қўрғоқ ҳукумати-нинг полицияси маҳаллий аҳолини таътиб этиш ва ҳар қандай қўрқатини тўхтатиш, деб талаб қилди. Вьетнам информатсия агентлиги «Озодлик» радиосининг эшитиришига асосланиб шу тўғрисида хабар берди.

ЖАЗОИРДАГИ АХВОЛ

ЖАЗОИР, 24 июнь. (ТАСС). Кеча Жазоир радиоси ва телевидениеси буюсидан Жазоир Революцион Кенгашининг аъзоси Канд Ахмадининг матбуот конференцияси бўлиб ўтди.


Канд Ахмад айтиди, Жазоирда «хеч бир соҳада» мамлакатнинг таянч олган сиёсий йўлида ҳам, унинг маъмуриятларга муносабати ҳам, ички, ташқи сиёсатида ҳам ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган. Канд Ахмад 1965 йил 19 июндаги воқеалар, фашистик, милитаристик тўнтариш эмас, деб уқтирди. Унинг айтишича, бу ҳодисаларга Бин Белланинг гуё бутун ҳокимиятини ўз қўлига тушуб олиб, «раҳбар давлат ва партия органларида масалаларни эркин муҳокама қилишга йўл бермаганлиги, ушбу ўтказилган сиёсий йўлга қўйилмаган кишиларни ишдан четлаштирилганлиги сабаб бўлди».

«Революцион кенгаш», — деди Канд Ахмад, — Жазоирда социалистик жамият қуришни мақсад қилиб олган Триполи программаси ва Жазоир хартиясининг ўз фаолиятига негиз қилиб олади. Буларнинг мақсади Жазоирда социалистик жамият қуришдир.

Революцион кенгаш составига кириб келган, деган саволга Канд Ахмад жавоб бермади. У, шунингдек журналистларга Бин Белла билан учралиш имконияти бериладими, деган саволга ҳам

ЖАЗОИРДА КЕНГАШ

ЖАЗОИР, 24 июнь. (ТАСС). Кеча Жазоир пошта-телеграф қўшма конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференцияда миллий озодлик фронти сиёсий бюросининг аъзолари Мухомуд-хон, Али Мехкиди, Ахмад Мехдери, Башир Бумара, Тахар Забирий, Юсуф Халил иштирок этдилар. Улар ўзларининг пленкага ёзиб олинган ва Жазоир радиоси орқали эшиттирилган нутқларида 1965 йил 19 июндаги воқеаларнинг моҳияти тўғрисида гапирдилар.



АФРИКА ВА ОСИЁДАГИ 13 МАМЛАКАТНИНГ ҚАРОРИ

ЛОНДОН, (ТАСС). Миллатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари конференциясида қатнашадиган Африка ва Осиёдаги 13 давлат делегацияларининг бошқилари Осиё ва Африка мамлакатларининг иккинчи конференциясида қатнашмасликка қарор берганликлари эълон қилдилар. Рейтер агентлигининг хабар беришича, Гана, Нигерия, Сьерра-Леоне, Гамбия, Кения, Уганда, Танзания, Малави, Замбия, Хиндистон, Покистон, Малайзия ва Цейлон ана шундай қарорни қабул қилдилар.

13 мамлакатнинг ахборотида қуйидагилар айтилади: «Миллатлар ҳамдўстли-

ги мамлакатлари конференциясида қатнашадиган Африка—Осиё мамлакатларининг давлат ва ҳукуматлари бошқилари конференциянинг 29 июнда Жазоирда оғиллиги мўлақатланган иккинчи конференция кўзда тутилди. — Редакция» буюк муваффақиятга эришувини таъминлаш мўдасига амак қилиб, ана шундай аҳамиятга эга бўлган конференцияни қўллашда энг мақбул вақтга қолдириш Африка—Осиё бирдам-лигининг олий манфаатларига мос бўлиб тушган бўлур эди, деб ҳисоблайдилар.

Германия Демократик Республикасининг кема-созлик саноати Совет Итти-фоқидан кўплаб заказлар олиб турибди. Яқин беш йил-да совет флотига 360 та денгиз ва дарё кемаси қуши-лади. Бу йил Ростокдаги «Нептун-верфт» верфида си-гнми 4250 тонналик кемалар қурилиши давом этмоқда.

АДИ-ТАСС ФОТОС.

СОВЕТ ИХТИРОЛАРИ—ЖАҲОН МАЙДОНИДА

Мамлакат олимларининг лабораторияларида, лойҳадаш-ко-нструкторлик ташкилотларида, корхоналарда нatto-натта их-тиролар бунёдга келмоқда. Халқаро ярмаркалар ва виста-валарда Ватанимизда ишлаб чи-қарилган машиналар, апарат-лар ва приборларнинг энг янги конструкциялари намоиш қи-линиб, ана шу маҳсулотларнинг сотиш тўғрисида тобора кў-проқ савдо битимлари тузи-лмоқда.

Буларнинг ҳаммаси совет их-тироларини патентлашни ке-рагайтириш ва чет элга чиқ-ариб сотадиган маҳсулотлар-нинг товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш заруратини наелтириб кўрсатмоқда.

Совет Иттифоқининг саноат мулкунини муҳофаз қилиш ю-засидан Париж конвенцияси-га 1965 йил 1 июлда бошлаб қу-шилиши халқаро техника ҳам-корчилигида янги муҳим тадбир бўлди.

ТАСС мухбири СССР Ихтиро-лар ва нашествлар давлат ко-митетининг раиси Ю. Е. Мак-саревга мурожаат қилиб, чет элларда давлат манфаатларини муҳофаз қилиш ҳамда бошқа мамлакатлар билан савдо-соти-ча ва иқтисодий муносабатларни кенгайтириш юзасидан қури-лган бу муҳим тадбирни шарҳлаб беришни илтимос қи-лди.

САВОЛ: Бизнинг мамлака-тимиз қўшайлаётган Париж кон-венциясининг ўзи нимадан ибор-ат?

ЖАВОБ: 1883 йилдаги ту-зилган Париж конвенцияси-нинг вазифаси ихтиролар, саноат намуналари, товар бел-гиларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаз қилишдан иборат. Бу конвенцияни имзолаган дав-латлар «саноат мулкунин» му-ҳофаз қилиш юзасидан мах-сус халқаро иттифоқини таъ-сис этганлар. «Саноат мулкун» деган терминни кенг маънода тушуниш керак. Бу термин то маъносини билан саноат ва савдо-сотиқдаги таалуқли бўлиш, балки қишлоқ хў-жалига, саноат ва табиий мах-сулотларнинг ҳаммасига (дон, мевалар, вино, фойдалан қазил-

малар ва бошқалар) ҳам таал-луқлидир.

Совет Иттифоқи Париж кон-венциясини имзолаган 69- дав-лат бўлди. Шу таъсилот до-на-расидаги узаро халқаро алоқа-лар илмий ва техникавий ҳам-корлик учун, саноат ва иш-корлик учун, ҳар қандай тар-тиб-ий эътироз учун бўлган шарт-шароитларни енгилаштириди.

САВОЛ: Бундан Совет дав-лати қандай манфаат кўради?

ЖАВОБ: Маълумки, бирор нарсани ихтиро қилишнинг тў-ғрисидаги ҳар қандай заъво-ва янгилик бўлмоғи лозим. Бу янгилик бирор бир мамлакатда эълон қилинадиган бўлса, бо-шқа давлатлардаги янгиликни йўқотиб қўяди. Шу сабабли ав-вал совет ихтиролари тўғриси-даги заъволларни айни вақт-нинг ўзида бир неча мамлакат-да расмийлаштириш лозим бў-лар эди. Бу эса кўп қийинчи-ликлар туғдиради ва дастлабки приоритетини йўқотиб қўяди, чунки приоритет ихтиро қайси мамлакатда патентла-диган бўлса, шу мамлакатда қо-раб заъво берилганлигига қа-раб белгиланади.

Бизнинг мамлакатимиз Па-риж конвенциясига қўшилиш билан янги ҳуқуқлар олади. Эндида совет ихтиролари СССР заъво бериш приори-тети билан бирга конвенцияда қатнашувчи ҳар қандай мамла-катда 12 ой мўддат ичида за-ъво қилиниши мумкин.

Шу мўддатдан фойдаланиш тўғрисида совет ташкилотлари ихтироси қайси мамлакатда па-тентлашни аниқроқ танабб олшларини мумкин.

САВОЛ: Ватанимиздаги их-тироларни чет элларда патент-лаш ҳозир қандай ривожланиб бормоқда?

ЖАВОБ: Экспорт маҳсулот-ларимиз ва лицензияларни чет эл фирмаларига сотишни ҳимоя қилиш ушбу коми-тет йирик техникавий тад-қиқотлар вақтида бунёдга ке-лаётган совет ихтироларини па-тентлашни давом эттирмоқда.

Ҳозирги вақтда ихтиролар тў-ғрисидаги бир неча минг заъво чет мамлакатларга юборилган. Совет Иттифоқида Франция, Англия, Италия, АҚШ ва бош-

СОВЕТ—КОНГО ИҚТИ-СОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ

Конго Республикаси (Браззавиль) Ташқи ишлар ми-нистрлигининг бош секре-тари, мухтор ми-нистр Исаак Гомес бошчилигидаги Конго Республикаси делегацияси Совет Иттифоқида икки ҳаф-та бўлди.

СССР билан Конго Рес-публикаси ўртасида иқтисод-ий ҳамкорлик масалалари юзасидан олиб борилган му-зокаралар натижасида 1965 йил 24 июнда тегишли Со-вет — Конго битимлари им-золанди. (ТАСС).

Радио

26 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 — Чолғу куйлари, 8.25 — Концерт, 9.30 — Орнестр пьеса-лари, 9.45 — Қишлоқ хўжалик ҳодимлари учун (тож), 10.30 — Концерт, 11.10 — Партиянинг XVI съезди очилган кунининг 35 йил-лиги (сухбат), 11.25 — Концерт, 12.15 — Спорт эшиттириши (рус.),